# Бухоро тарихи масалалари

(энг кадимги замонлардан хозиргача)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

# БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
***(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)***

*"Бухоро шаҳри куни" муносабати билан Бухоро шаҳри билан биродарлик алоқаларини ўрнатган шаҳарлар маъмуриятлари ва дипломатик корпуслар, халқаро ташкилотлар, хорижий ОАВ халқаро туристик ташкилотлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари*

**Бухоро**
**"Дурдона" нашриёти**
**2019**

сайёҳи ибн Батуттанинг ёзишича Ўрта Осиёлик машҳур олим Воиз Термизий Деҳли султонлигида бўлганида (XIV аср бошлари) султон унга 100 минг динор, 200 қуйма олтин танга, фахрли меҳмонлар киядиган яктак, бошдан оёқ саруполар ҳадя этган[1].

Хуллас, Бухоро номини ўзи билан Миср ва Ҳиндистонга олиб борган, мустақил давлатларга асос солиб, ушбу давлатлар тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар ва ҳукмдорлар мавжудлиги Бухорои шариф шон-шуҳрати жаҳоншумул эканлигидан далолатдир. Бу борадаги илмий изланишлар эса ҳамон охирига етказилмаганлигини истиқболда эътиборга олиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Т.: Yangi nashr. 2015. -176 б.
2. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии. – Москва, Наука, 1988. –С. 94.
3. Низамутдинов И.Н. Из истории среднеазиатских – индийских отношений (IX-XVIII вв) -Т.: Узбекистан; 1969 – 144 с.
4. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Т.: " FRN-FLEK", 2010 –220 б.
5. Тойнби А.Ж. Постижение истории. -М.: Прогресс; 1991. -732 с.
6. Ҳайитов Ш.А. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тарихидан (Қадимги замонлардан XX асрнинг 90-йилларига қадар).- Бухоро -1996. -104 б.
7. Ҳасанов А.Ҳ. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. -Т.: Ўзбекистон; 1964 -252 б.


[1] Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии., – Москва, Наука, 1988. –С. 94.



# МУНДАРИЖА


*Абдуллаева Д.А.* – Бухородаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаган устазода – Аминжон Саломов фаолияти........ 3

*Азизов И.Ш.* – Бухоро амирларининг солиқ тизимида олиб борган ўзга сиёсати........ 4

*Арслонзода Р.А* – Бухоро амирлиги аҳолисининг ижтимоий турмуши (Садриддин Айнийнинг "Эсдаликлар" асари асосида)........ 9

*Ахматов А.Ҳ.* – Фитрат ва Беҳбудий асарларида миллий мактаблар масалалари........ 14

*Ахмедов А.Ф.* – Бухоро музейи фондидаги баъзи қитъалар хусусида........ 16

*Бобоев Ф.С.* – Бухоро вилоятида совет ҳокимиятига қарши кураш тўғрисида айрим мулоҳазалар........ 19

*Бобожонова Ф.Х.* – Бухоро мадрасаларидаги кутубхоналар........ 26

*Бобожонов Ш.У.* – Авлиё Чибирдон ота зиёратгоҳи........ 29

*Болтаев А.Ҳ.* – Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиш босқичлари........ 33

*Болтаев Б.Б.* – Бухоро амирлиги ҳудудида алоқа воситаларининг ўрнатилиши........ 36

*Гафуров А.Ф.* – Важная черта инвестиционной и туристической привлекательности Бухары (на материалах конца XIX- начала XX вв)........ 39

*Джураев Х.Ҳ.* – Бухоро кутубхоналари тарихига доир........ 42

*Жамолова Д.М.* – Бухорода ислоҳотчилик ҳаракатининг вужудга келишида Абу Наср Курсавийнинг тутган ўрни........ 46

*Жумаев Р.Г.* – Амир Ҳусайн ва Амир Умар бошқаруви даври Аҳмад Дониш нигоҳида........ 51

*Жумаева Н.А.*– Деҳқончилик байрамлари халқимиз тафаккурининг ноёб мўъжизаси (Бухоро воҳаси мисолида)........ 56

*Жўраева Н.О.*– Бухоро шаҳри тарихий қиёфасининг шаклланишида мозорларнинг ўрни........ 60

*Зарипов Ж.Г.*– БХСРда солиқ сиёсати муаммолари........ 64

*Захидова С.А.* – "Тухфат-уз-зоирийн" асарида Бухоро шаҳар маданияти тарихий топографияси........ 68

*Исакова М.С.* – Власть и светская медицина в Бухарском эмирате........ 72

*Исмоилов М.М.* – «Фасл ул-хитоб»датермизийлар зикри........ 75

*Кличев О.А.* – Бухорои шариф вазоратхонасидаги шогирдпешалар хусусида........ 78

*Кўчаров Ж.Қ.* – Ўрта асрларда Бухоро ва Қашқадарё воҳаларини боғловчи савдо йўллари хусусида........ 79

*Мавлонов Ў.М.* – Марказий Осиё коммуникация тизимида Бухоро шаҳрининг тутган ўрни........ 83

*Маҳмудов О.Н.* – Шамсиддин ал-Бухорий асарларининг хорижда сақланган манбалари хусусида........ 86

*Мунавварова З.Н.* – Ал-Мовардийнинг "Аҳком" асари – мусулмон шарқи

кийим-кечак, пул етказиб бериш ва курол-яроғларни ўз уйларида яширишда айбланган[1]. Ушбу ҳужжатларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки улар Бухорода 1932 йилда ҳам куролли ҳаракат давом этганлигини тасдиқлайди.

Хулоса, Бухоро вилояти (кейинчалик округи)да совет тузумига қарши куролли ҳаракат қўлимизда мавжуд бўлган ҳужжатларга асосланиб, 1932 йилга қадар давом этганлиги аниқланди. Бу даврда Бухоро воҳасидаги асосий ҳаракатларга Жўра Амин ва Мулла Деҳқон, Рамазон Раҳимовлар раҳбарлик килди. Бироқ бу даврда Бухородаги ҳаракат бошқа ҳудудлар, хусусан, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳалари билан қиёслаганда бироз кучсиз давом этган.

*Бобожонова Ф.Х., т.ф.н. (Бухоро)*

## БУХОРО МАДРАСАЛАРИДАГИ КУТУБХОНАЛАР

Бухоро амирлигидаги мадрасаларда талабаларнинг диний фанлардан ташқари, бадиий адабиёт, айниқса, шеърият билан шуғулланиши учун бирмунча имкониятлар мавжуд эди. Фитратнинг маълумот беришича, Бухоро шаҳрида масжид ва мадрасалар қошида 11 та кутубхона бўлган. Уларга ажратилган вақфларнинг бир йиллик даромади 43100 танга миқдорида бўлган[2]. Ажратилган вақф ҳисобига китоблар ўз вақтида таъмирланган ва кутубхоналар янги китоблар билан тўлдириб турилган. Қўшбеги архивида шундай маълумотлар бор. Масалан, 1881-рақамли йиғмажилдда амир кутубхонасига сотиб олинган 403 китобнинг рўйхати берилган. Бу рўйхатга диний китоблар билан биргаликда Алишер Навоийнинг "Хамса"си каби бир қанча бадиий адабиётлар ҳам кирган. Ушбу далил, Бухорода мумтоз адабиёт, умуман, китобга нисбатан юқори даражадаги муносабатни билдиради[3].

Кутубхоналар ва қироатхоналар пойтахт Бухоро шаҳрининг деярли барча мадрасаларда, шунингдек, амирликнинг чекка ҳудудларида ҳам бўлган. Масалан, Шеробод, Бойсун, Денов бекликларида кутубхона ва қироатхоналар XX аср бошларида мавжуд эди[4].

Абдуллахон II нинг энг ишончли, обрў-эътиборли амалдорларидан бўлган Амир Қулбобо Кўкалдош томонидан Бухорода барпо этилган Кўкалдош мадрасасида вақф мулкига ўтказилган китоблар рўйхатида "Кутуби ҳадис", "Тафсир", "Фиқҳ", мантиқ ва тиббиётга оид китобларнинг номлари келтириб ўтилган. Кўкалдош мадрасасининг вақф ҳужжатида унинг муассасаси қайд этган шартга кўра, вақфга ўтказилган китоблар икки мутаваллининг ихтиёрига берилган. Уларнинг бири мадраса

[1] Ўзбекистон ФА Тарих институти жорий архиви, 4-дафтар, 9-12-вараклар.
[2] Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8. – Б. 15.
[3] ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1881-иш, 1-варак.
[4] Турсунов.С. Шеробод тарихи. – Денов, 1993. – Б. 13.



вақфининг кўчмас мулк мутаваллиси, иккинчиси эса кутубхона мутаваллиси бўлган[1].

Бухоро мадрасаларида кутубхона ва уларда хизмат кўрсатадиган махсус китобдор лавозими мавжуд бўлиб, у кутубхонада сақланаётган китобларнинг сони ва сифати учун жавоб берган. Бухоро мадрасаларида кутубхоналар махсус биноларда жойлашган, уларда ҳарорат ва ҳаво намлиги кузатиб борилган, китоблар аъло сифатли қоғозларга ёзилиб, чарм муқовалар билан муҳофаза қилинган ҳамда махсус чарм сандиқларда сақланган[2].

Кутубхоналардаги китобларни сақлаш, шунингдек, кутубхонани китоб билан бойитиб бориш учун ҳам вақфлар таъсис этилган. Четдан келган кишиларга иложи борича китоб берилмаган, фақат истисно тариқасида, айрим ҳолатлардагина улар китоб олишган.

Бухоро қадимдан илмий бир марказ сифатида ном чиқариб келгани боис мадрасаларда ислом оламида машҳур бўлган китобларнинг барчасини топиш мумкин эди. Кўлёзма китоблар жуда қимматбаҳо бўлгани учун уларнинг миқдори кўп бўлмас эди ва бунинг оқибатида китоб мутолаа қилувчиларга, хусусан, шогирд-талабаларга етишмас эди.

Мадраса кутубхоналарининг китобдори зиммасига китоблар сонини кўпайтириш, таркибини кенгайтириш билан бир қаторда уларни асраш, эскирганларини таъмирлаш каби вазифалар ҳам юклатилган. Масалан, Ғониён мадрасасининг вақфномасида китобдорга нодир ва нафис китобларни мадрасадан ташқарига чиқармаслик; агар оддий китобларни мадрасадан ташқарида яшайдиган кишига берса, бу шахсдан гаров сифатида икки баробар қимматроқ китобни талаб қилиш; агар вақф китоби йўқолса, яроқсиз ҳолга келиб қолса, гаров китобини мадраса ихтиёрига ўтказиш ва олиб қолиш унинг вазифасига юклатилган.

Дониёл оталиқ номидан берилган бошқа бир вақфномада эса китобдорга қўйилган талаблар янада қаттиқроқ бўлиб, вақф китобларини фақат Бухоро шаҳридан бўлган кишиларга бериш; китобга талабгор кишининг Бухородаги ҳовлиси ва лавозимини аниқлаш; китобга талабгор кишининг лавозими ва ҳовлиси манзилининг қози томонидан тасдиқланишини талаб этиш; қози тасдиқномасини мадрасада олиб қолиб, талабгорга китоб бериш талаб этилган. Агар китобдор ушбу вазифаларни бажаришда камчиликларга йўл қўйса, унинг алмаштирилиши таъкидланган[3].

[1] Жўраев Г.А. Кўкалдош мадрасасининг вақф ҳужжати //Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1997. Б. 129-130.
[2] Айний С. Бухара. – Душанбе: Ирфон, 1985. – С.135.
[3] Качоков Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухорои шариф, 2008. – 28 июнь.

Бошқа бир мадраса вақфномасида вақф таъсисчисининг қайд этилган шартига кўра, мадраса кутубхонасидаги китоблардан муносиб ва ишончли одамларгина фойдаланиши мумкин бўлган, агар китобдор бирон китобни бошқа китобни гаровга қўйиш ҳисобига бераётган бўлса, гаровга қўйилаётган китобнинг нархи кутубхонаникидан икки баробар юқори бўлиши керак, деб белгиланган[1].

Бухоро музейида сақланаётган вақфга доир ҳужжатда мадрасани таъмирлашдан ортиб қолган даромаддан китоблар сотиб олиш учун йилига 150 танга, кутубхона китобларини таъмирлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун йилига 80 танга ажратилиши белгилаб қўйилган.

Маълумки, 1909 йилда Бухорода жадидлар томонидан "Ширкати Бухорои Шариф" номи билан ширкат тузилди. Унинг асосий вазифаси янги усул мактаблари учун дарслик чоп этишдан иборат эди. Биринчи навбатда Садриддин Айнийнинг тажвид қоидаларини (Қуръонинг махсус қоидаларини тўғри талаффуз қилишни) ўз ичига олган "Тарти ул-Қуръон" номидаги дарслигини нашр қилишга қарор қилинади[2]. Уни татар муаллими воситаси билан Оренбург нашриётига топширадилар. Ўша йилнинг ўзида усули савтия (илм қоидалари усули) мактаблари билан танишмоқ учун ширкат томонидан Усмонхўжа, Ҳамидхўжаларни Боғчасарой, Истамбулга юборилади[3].

Бухорода маърифат тарқатишда, китоб, газета, журналлар билан савдо қилишда, бухоролик ёшларнинг маърифий-сиёсий ҳаракатларининг жонланишида ушбу ташкилотнинг аҳамияти катта бўлди[4]. Бу ҳақда Садриддин Айний шундай деб ёзади: "Бу йил яширин жамиятнинг таъминоти билан икки муҳим иш бошланди. Буларнинг бириси "Маърифат" кутубхонаси, иккинчиси "Баракат ширкати" эди. Насрулло Қўшбеги ушбу кутубхона ва ширкатга расман рухсат берганлигидан, ёшлар ҳаётига яхши бир ёрдам етказди"[5].

Абдурауф Фитрат томонидан ишлаб чиқилган "Низомнома"нинг "Бухоро маорифини умумлаштирувчи хайрия жамияти"нинг хатти-ҳаракатлари" боби жамиятнинг мақсадларини ифодаловчи 14 моддадан ташкил топган. Унинг 12-моддасида шундай дейилган эди: Жамиятнинг бир кутубхонаси бўлади ва арбоби ҳамият (маслаҳат кенгаши аъзолари) томонидан совға этилган китоб ва рисолалар билан тўлдирилади[6].

---

[1] Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар.

[2] Ўша жойда. – Б. 202.

[3] Йўлдошев Н.А. Фитратнинг Раҳбари нажот асаридан мухтасар фасллар. – Бухоро, 1996. – Б.3.

[4] Абдуллаев Й. Янги усул мактаблари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Х-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2005. – Б. 384.

[5] Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар.– Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I-том. – Б. 246-247.

[6] Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.62-63.



Бухорода кўплаб йирик кутубхоналар бўлиб, уларда сақланаётган минглаб нодир китоблар орқали зиё тарқатилган. Мисол учун, Жайфархўжа кутубхонасида 40.000, Гавкушон кутубхонасида 35.000, Кўкалдош кутубхонасида 32.000, Абдулазиз кутубхонасида 25.000, Жунбор кутубхонасида 3.000 жилд китоб сақланган.

Бухоро мадрасалари савод чиқариш маскани бўлиши билан бирга, халқнинг онгу шуурини оширувчи маънавият ва ахборот маркази сифатида хизмат қилган. Бунда эса кутубхоналарининг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8.
2. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар // Асарлар.– Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963. I-том.
3. Айний С. Бухара. – Душанбе: Ирфон, 1985.
4. Йўлдошев Н.А. Фитратнинг Раҳбари нажот асаридан мухтасар фасллар. – Бухоро, 1996.
5. Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006.
6. ТурсуновС. Шеробод тарихи. – Денов, 1993.
7. Қазоқов Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухорои шариф, 2008. – 28 июнь.
8. Абдуллаев Й. Янги усул мактаблари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Х-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2005.
9. Жўраев Г.А. Кўкалдош мадрасасининг вақф ҳужжати //Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Тошкент. Ўзбекистон, 1997.
10. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №8.
11. Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар.
12. ЎзР МДА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1881-иш, 1-варақ.


***Бобожонов Ш. У. (Бухоро)***

## АВЛИЁ ЧИБИРДОН ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро ва унинг атрофида 500 дан ортиқ турли хил қадамжо ёдгорликлар сақланиб қолган. Фанда Бухоро вилоятининг кўҳна замини Қоракўлдаги Чибирдон ота авлиёси мунтазам қизиқиш уйғотиб, ўрганилган[1]. Академик А.Муҳаммаджонов бошчилигидаги экспедиция

---

[1] Сидоренко В. Архитектурное наследие Каракуля – мавзолеи Абдурахмана-Вали и Чибирдон-ота; Нильсен В.В, Ғуломов Я; Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро (археологик далиллар ва тарих). Т. "Фан".1991.